



V МЕЖДУНАРОДНЫЙ КОНГРЕСС СТОМАТОЛОГОВ



АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СТОМАТОЛОГИИ И
ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ
ХИРУРГИИ

СБОРНИК
ТЕЗИСОВ

ТАШКЕНТ - 2022

УДК: 616.717.8+617.52-089]:616-7/.78-001.8
ББК: 56.65я 43
С 56

Ответственные редакторы: д.м.н., профессор Шомуродов К.Э., к.м.н., доцент Туйчибаева Д.М.

Редакционная коллегия: д.м.н., профессор Баймаков С.Р., к.м.н., доцент Ярмухамедов Б.Х., Юнусов Р.А., д.м.н., профессор Камилов Х.П., д.м.н., профессор Бекжанова О.Е., д.м.н. Муртазаев С.С., д.м.н., профессор Даминова Ш.Б., д.м.н., профессор Абдуллаев Ш.Ю., д.м.н., профессор Хабилов Н.Л., д.м.н., профессор Нигматов Р.Н., д.м.н., профессор Амануллаев Р.А., д.м.н., профессор Хасанов А.И., д.м.н., доцент Алимова Д.М., д.м.н., профессор Рустамова Х.Е., Нурмаматова К.Ч.

Под общей редакцией д.м.н., профессор Хайдарова Н.К.

Технические редакторы: Машарипова Р.Ю., Сайдалихужсаева Ш.Х

Настоящий сборник составлен по итогам международного конгресса стоматологов «Актуальные проблемы стоматологии и челюстно-лицевой хирургии», состоявшейся 3-4 июня 2022 г. в г. Ташкенте. Публикации представлены в соответствии с планом проведения конгресса. Опубликованы материалы, доложенные на конгрессе, а также тезисы по проблемам челюстно-лицевой хирургии стоматологии и фундаментальных исследований. Материалы конференции охватывают различные вопросы современной челюстно-лицевой хирургии, а также организации здравоохранения и рекомендуются для практикующих стоматологов, обучающихся и преподавателей профильных факультетов вузов, студентов, студентов магистратуры и клинических ординаторов.

Статьи представлены в авторской редакции. Ответственность за аутентичность и точность цитат, имен, названий и иных сведений, а также за соблюдение законов об интеллектуальной собственности несут авторы публикуемых материалов. При перепечатке материалов сборника конгресса ссылка на сборник тезисов обязательна.



Уважаемые коллеги, гости и участники конгресса!

Стоматологическая заболеваемость в настоящее время, как во всём мире остаётся достаточно высокой. Решение проблем профилактики и лечения стоматологических заболеваний у населения является одной из наиболее важных государственных социальных задач. На сегодняшний день есть множество нерешенных вопросов в действующей

системе. Совместно мы должны их все обсудить и выработать план по решению наших задач. Поэтому список тем, которые планируется обсудить в ходе Конгресса уникален по своему охвату. Мы затронем все системообразующие вопросы. Также мы уделим внимание и вопросам развития конкретных специализаций.

Процесс интеграции различных уровней и организационных форм образования, науки и производства – это тенденция, которая постепенно охватывает все страны мира, в том числе и Узбекистан. И неслучайно в последние годы много говорится о создании форм, которые могут объединить научно-образовательный потенциал. Важно осознать, что подготовка высококвалифицированных специалистов – задача не отдельно взятого учебного заведения, а всей образовательной системы в тесной взаимосвязи с производством. Уровень образования в обществе увеличивает количество и скорость совершения научных открытий, а также быстроту их распространения в производственной сфере.

Выражаю благодарность всем участникам и гостям, которые нашли время, чтобы принять участие на конгрессе. Желаю плодотворных дискуссий и новых достижений!

**Ректор Ташкентского государственного
стоматологического института**

Хайдаров Н.К.

V Международный конгресс стоматологов

3. Учинчи босқич: бунда асосий эътибор касаллик ва ОФЧ асоратини камайтиришга қаратилади. Бунга реабилитация хизмати ва фаолиятни чекловчи омилларга таъсир кўрсатиб, одамнинг мустақиллиги, иштироки ва фаоллигини ошириш киради.

Материаллар ва усуллар. Тиббий хизмат турлари ривожланмаган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизими ўз хизмат доирасига кўра учга бўлинади: биринчи даражали тиббий хизмат, иккинчи ва учинчи даражали тиббий хизматларга. Бундай даражали тиббий хизматлар орасида муайян ўхшашлик ва тафовутлар мавжуд. Айни чоқда улар ўртасида ўзаро боғланиш мавжудки, биринчи даражали тиббий муассасада даволангандемор, вазият тақозо қиласа, йўлланма орқали иккинчи даражали шифохонага юборилиши ва у ерда муолажа давом эттирилиши мумкин.

Натижа ва мухокама. Биринчи даражали тиббий хизмат деганда маҳаллий миқёсда кўрсатиладиган энг асосий тиббий хизмат тушунилади. Бундай хизматга одатда, тиббиёт марказлари ёки клиникалар жалб этилган бўлиб, одамлар биринчи навбатда айнан шу муассасаларга кўп мурожаат қиласи. Сабаби, бундай муассасалар касалликни қисқа муддатда ва тез даволаши ҳамда сурункали касалликларни масалан мохов, тутқаноқ, сил, диабет билан оғриган деморларни кейин ҳам кузатиб боришни назарда тутади. Иккинчи даражадаги тиббий хизмат дейилганда эса туман даражасидаги катта клиника ва касалхоналар томонидан кўрсатиладиган ихтисослашган тиббий хизматни назарда тутилади. Биринчи даражада тиббий хизмат кўрсатадиган муассасалар лозим бўлганда иккинчи даражадаги туман клиника, касалхоналари деморларни йўллаши мумкин. Учинчи даражадаги тиббий хизмат деганда ўта ихтисослашган тиббий хизмат тушунилади. Бундай хизмат замонавий технологияларни пухта биладиган, тиббий ускуна билан ишлай оладиган малакали шифокор ва ҳамширалар томонидан кўрсатилади.

Хуроса. Бу даражага катта шаҳарларда жойлашган ва бутун мамлакат ёки минтақани қамрайдиган йирик касалхоналар киради. Бундай муассасаларда мия бўйича жарроҳлик, саратон турларини даволаш ёки ортопедик жарроҳлик муолажалари амалга оширилиши мумкин.

САЛОМАТЛИКНИ ЯХШИЛАШНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАЛАРИНИ ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ

Умаров Б.А., Махмудова М.Х., Муяссарова М.М.

Тошкент давлат стоматология институти,

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази
botirumarov64@gmail.com, zukurova.apple@gmail.com

Тадқиқотни долзарблиги. Жисмоний машқлар талабанинг нафас олиш органларига ва руҳий ҳолатига яхши таъсир кўрсатади. Мушакларни мунтазам харакатлантирилиб турилмаса инсоннинг марказий асаб тизими ижобий зарядлардан маҳрум бўлади. Сустлашган ҳаётий тонус, тушкунлик ҳолати

V Международный конгресс стоматологов

жаҳилдорлик ва ўзини қўлда тутиб туролмаслик реакциялари билан туташиб кетади. Жисмоний машқлар талабанинг нафақат жисмоний, балки руҳий ҳолатига ҳам ижобий таъсир этади, бу эса, ўз навбатида, таълим-тарбиявий ва соғломлаштириш жараёнининг самарадорлигини оширади. Инсон организми ривожланишининг қабул қилувчи даври талабалик ёшида якунланади. Талаба ёшлар бу даврда ўқиш, ўрганиш, ижтимоий-сиёсий фаолият юритиш учун катта имкониятларга эга бўладилар. Айнан шунинг учун жисмоний тарбия ва спорт саломатликни мустаҳкамлаш учун муҳим восита ҳамда комил инсонни тарбиялаш учун табиий ва биологик асос ҳисобланади, ўқиш, фан билан шуғуланиш ва касб эгаллашга бевосита ёрдам беради.

Тадқиқотнинг мақсади. Жисмоний машқлар инсон органлари ва тизмлари фаолиятига ижобий таъсир этувчи турли силжишларни келтириб чиқаради. Жисмоний машқлар замирида мушак қисқаришлари ётади, мушаклар инсон вазнининг 3-4 қисмини ташкил этади. Мушаклар қисқариши энергияси ишлаётган мушакка кислород ва турли озиқлантирувчи моддалар оқимининг кўпайиши ҳисобига ҳосил бўлади, айни пайтда юрак ва ўпка фаолияти яхшиланади. Ишлаб турган мушакда кўплаб майдага капилляр қон томирлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, мушаклар ривожланишида озиқланиш шароити яхшиланади, умумий қон айланиши енгиллашади. Талабалик даврида қон айланиши, ёш боланикига нисбатан сустроқ бўлади. Қон айланишини жадаллаштириш учун юрак ишлашини фаоллаштириш керак. Юрак фаолияти, ўз навбатида, мушаклар иши таъсирида яхшиланади. Мушаклар қичқарганда қон веналар орқали юрак томон ҳаракатланади, бўшаши чоғида эса капиллярлардан венага оқади.

Тинчлик, ҳаракатсизлик етарлича ҳаракатларнинг бажарилмаслиги юракка салбий таъсир кўрсатади ва турли касалликларга сабаб бўлади.

Материаллар ва усуллар. Кўплаб адабий манбалар ва ўтказилган тадқиқотлар таҳлили жисмоний тарбия амалий машғулотларида ўкув дастури бўйича ҳаракат кўнімларини шакллантириш, ҳаракатларни бошқаришга йўналтирилган ўкув юкламасидан фойдаланилаётганлигини тасдиқлайди. Натижалар кўзга кўринарли эмас, чунки ўкув юкламаси ҳажми, жадаллиги унча баланд эмас. Жисмоний тарбия усул ва воситалари шахснинг типологик хусусиятлари, жисмоний ривожланиш, жисмоний аҳвол, Ўрта Осиё иқлими хусусиятларини ҳисобга олмайди. Баён этилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ёшларни жисмоний етуклика эриштиришга, саломатликни асраш ва мустаҳкамлаш, иш қобилиятини оширишга йўналтирилган, илмий асосланган жисмоний машқлар деярли йўқ. Шунинг учун илмий асосланган жисмоний машқларни аниқлаш учун математик статистика усулидан фойдаланилади. Педагогик жараён омилларининг ўзаро боғлиқлиги хусусиятларини аниқлаш учун маҳсус дастур ишлаб чиқилган. Педагогик жараёнда унинг таркибига кирувчи омиллар ўзаро боғлиқдир. Бир омилни иккинчи омил ўзгартириш маҳорати педагогик жараён самарасини янада оширади.

Натижа ва муҳокама. Маълумки, жисмоний сифатларни тарбиялаш

V Международный конгресс стоматологов

жараёнида кучни, тезликни, чидамлийликни ривожлантириш орасида айрим ҳолларда ижобий алоқа, баъзан эса ўзаро боғлиқликни йўқлиги кузатилади, яъни юқорида санаб ўтилган сифатларнинг бирортаси ривожланса бошқа сифатлар ҳам ривожланади ва ниҳоят, салбий боғлиқлик, яъни бирор сифат ривожланса, бошқа сифатлар ривожига ёмон таъсир кўрсатади. Жисмоний тарбия соҳасидаги тадқиқотлар энг аввало, ўкув соғломлаштириш жараёнини ўрганиш билан боғлиқ. Кўлланилаётган усул ва воситаларнинг афзалликлари ҳақида ҳаракат сифатларнинг ривожланиши, юрак-қон тизими функцияларининг хусусиятлари кўринишидаги педагогик самара гувоҳлик беради. Педагогик самара икки сифат ва сон томонлама характеристерланади.

Методика педагогикани тадқиқотининг статистик усуллар билан бойитади. Улар ўзлари очган объектив қонунларни математик модель, яъни ўрганилган ҳодисанинг турли томонларини ҳарактерловчи кўрсаткичлар ўртасидаги у ёки бу муносабатлар кўринишида ифодалаш имконини берадилар. Кўрсаткичлар ўртасидаги маълум муносабатларнинг бундай модели функционал тобелик дейилади. Унинг моҳияти шундаки, бир кўрсаткичнинг ўзгариши қоидага биноан, иккинчи кўрсаткичнинг шунга хос ўзгаришига олиб келади. Функционал тобелик ҳақидаги билим тобе катталик функция кўрсаткичларини бошқарувчи катталик (аргумент) нинг исталган кўрсаткичларига қараб олдиндан айтиб бериш имконини беради. Бундан функционал амалий ва илмий аҳамияти келиб чиқади. Функционал моделлар баён этилган жараённинг боришини олдиндан айтиб бериш, бу жараённи бошқариш имконини берадилар ва самарали педагогик усулларни танлашга ёрдам берадилар.

Хуроса. Шундай қилиб, мушак тизимининг маълум морбофункционал ҳолати – муҳим ҳаётий заруратдир, унинг даражаси эса мушаклар кучининг кўрсаткичларида акс эттиради. Бундан келиб чиқадики, саломатлик учун мушак тизимининг маълум даражаси зарур экан. Амалий машғулотларда ҳаракат фаоллигининг оширилиши, юқори елка айланаси, қорин пресси мушакларини мустаҳкамловчи воситаларни жисмоний машқлар таркибиға киритиш, уларнинг тонусини кўтариш қоматни яхшилаш, қоматни бузилишларини олдини олиш ҳаракатланувчи ва ички органлар фаолиятини яхшилади.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб ҳар томонлама тайёрлик инсоннинг жинсий қобилиятини такомиллаштиришни талаб этади ва маҳсус машқлар орқали эришилувчи баркамол ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади, деган хуросага келиш мумкин.

РОНХОПАТИЯЛИ БЕМОРЛАРДА ҲАЁТ СИФАТИНИ АНКЕТАЛАШ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШ

Умрзоков Ш.К., Юсупов Ж.Б., Вохидов У.Н.

Тошкент давлат стоматология институти

Хуррак отиш ҳозирда оториноларингологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда.